ШАРҚШУНОСЛИК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИНИНГ
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

2
2006

2006, №2
Шарқшунослик
4. 97–102 б.
5.

Ж/2006/2.

ШАРҚШУНОСЛИК 2006/2

Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг илмий журнали

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ НАШРИ

ШАРҚШУНОСЛИК
1992 йилдан чиқа бошлаган

Неъматулла ИБРОҲИМОВ
журнал бош муҳаррири
М. КОМИЛОВ
бош муҳаррир муовини
А. ҲАБИБУЛЛАЕВ
масъул котиб

Таҳрир ҳайъати:
С. ҒАФУРОВ
О. ШОМАТОВ
Т. МУХТОРОВ
Т. САТТОРОВ
М. ИСҲОҚОВ
Р. ХЎЖАЕВА

ТАҲРИРИЯТ:
С. Жўраева – **муҳаррир**
С. Юсупова – **тех.муҳаррир**
Ю. Тўраҳўжаева – **корректор**
М. Зарифов – **техник ходим**
Инглиз тилидаги матн
Д. Муҳаммадиев **томонидан**
тайёрланган

МУНДАРИЖА

ТИЛШУНОСЛИК

Туропова М. Ўзбек тили шеваларида даврий конструкциялар.....3
Иброҳимов А. Бобур асарлари луғат таркибининг частотаси.....8
Рустамий С. Балоғат илми ва унинг мундарижаси.....12
Мирзиётов Ш. «Муқадимат-ул-адаб» Ёзғат нусхасининг ўзига хос хусусиятлари.....17
Носирова С. Хитой тили дипломатик ҳужжатларида қўлланилувчи протокол формулалар.....19
Мусаев Т. Ўзбек тилшунослигида аффиксал омонимияни ўрганиш тарихи.....24
Худойберганова З. Ўзбек ва турк тилларидаги сифатдош ясовчиларнинг синтактик ассимметрияси ҳамда симметрияси.....28
Қосимова З. Турк тилидаги «ота» маъносини ифодаловчи лексемалар семантикаси.....34
Носирова М. Адабий ҳиндий ва ўзбек тилларида қўшма сўзларнинг ясалиши.....39
Рихсиева Г. Бобур шеъриятининг лингвистик тадқиқига янгича ёндашув.....45

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Тўйчиева Г. Арузшуносликдаги замонавий тамойиллар.....47
Аҳмедова Ш. Замонавий Қувайт адабиётида аёл мавзуси.....53
Мамадалиева Н. Турди Фароғийнинг «Субҳонқулихон тўғрисида ҳажвия» асари тилининг ўзига хос хусусиятлари.....56
Ҳужаниёзова З. Бир асар таржимаси.....59
Ҳусанова Г. Яссавийлик адабий мактабининг ўзбек адабиёти ривожида тутган ўрни.....61
Рустамова М. Бугунги ўзбек насрининг етакчи тамойиллари.....66
Содиқов З. Қадимги туркий тил асарлардаги табиат тасвирлари ўзбек таржимашунослигида.....70
Остонова Г. Жаҳон цивилизацияси ва «Минг бир кеча» асари.....74
Муҳиддинова Д. Жорж Салим ҳикояларида рамзлар моҳияти.....77
Зарифов М. «Ҳашт Беҳишт» достонида фольклор анъаналари.....81
Маҳамадҳўжаев О. Форс адабиётида хотин-қизлар образи динамикаси.....87

ФАЛСАФА

Агзамходжаева С. Шахс ва унинг маънавий эркинлиги.....92
Бакирова М. Жаҳон динларида аёлларнинг назарий ва амалий ҳолати.....97
Тиллаева Г. Ижтимоий муҳитнинг жамият ва шахснинг баркамол ривожига таъсири.....103
Саидахмедова О. Калом илмида билишга оид қарашларнинг шаклланиши.....110

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI KUTUBXONASI

тарқоқ ҳолда бўлган ва “Балоғат”нинг асосини ташкил қилувчи бўлимларни тартиб билан келтиради ва уларни “илму-л-маъоний”, “илму-л-байон” ва “илму-л-бадиъ” деб номлайди. Бу учта катта бўлим “Ал-Фанну-л-аввал”, (“Биринчи санъат”), “Ал-Фанну-с-соний” (“Иккинчи санъат”) ва “Ал-Фанну-с-солис” (“Учинчи санъат”) сўзлари билан бошланган.

Биринчи бўлим – “маъоний илми” саккиз бобга ажратилган ва улар мос равишда “ал-бобу-л-аввал”, “ал-бобу-с-соний” ва ҳ.к. деб аталган. Жумладан, “ал-бобу-л-аввал аҳволу исноди-л-хабарий”, “ал-бобу-с-соний аҳволу-л-муснад илайҳ”. Маъоний илмининг кейинги таркиби “муснад”, “қаср”, “иншо”, “фасл ва васл”, “ижоз, итноб, мусовот” каби боблардан иборат.

Иккинчи бўлим – “байон илми” таркибига “ташбеҳ”, “ҳақиқат ва мажоз”, “истиора”, “киноя” масалалари киритилган. Масалан, “ташбеҳ”га бағишланган қисмда унинг “мушаббаҳ”, “мушаббаҳ биҳи” каби рукнлари, “ҳақиқат ва мажоз”да мажознинг “муфрад”, “мурсал” турлари баён қилинган.

Учинчи бўлим - бадиъ илми ҳақида бўлиб, унда “мухассанот маънавийя” ва уни ташкил қилувчи “тибоқ” ва “тавжиҳ”, “мухассанот лафзиййа” ва унинг таркибига кирувчи “жинос”, “сажъ”, шунингдек “ҳусну-т-таълил” ҳақида баҳс юритилган. Саккокий ҳар бир масалани ёритишда унинг барча турлари ва жиҳатларини санаб ўтади.

Журжоний ва Саккокий асарларининг қисқача мундарижасидан маълум бўлдики, биринчи асар ўзидан олдингиларини кўп жиҳатдан такомиллаштирган ва ўз даврида маълум бўлган балоғат масалаларини бир асарга жамлай олган, уларни таснифлаган. Журжоний ўзининг бу фаолияти билан балоғат илмининг кейинги ривожига муносиб ҳисса қўшган. “Асрору-л-балоға”дан бир асрдан ортиқ вақт ўтгач, яратилган “Мифтоҳу-л-улум”да балоғат илми таркиб жиҳатдан тўлдирилганлиги, таснифнинг чуқур илмий асосга эгалиги билан олдингиларидан тубдан фарқ қилади ва бу илмнинг такомилга етганидан дарак беради. Саккокийнинг бу асари ҳанузгача балоғат илмининг шоҳ асари бўлиб келмоқда.

1. *Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. –М.: Просвещение. 1990.*
2. *Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси. –Т.: F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат н-ти. 1981.*
3. *Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. –М. 1981.*
4. *Мансур А. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Т.: Тошкент ислом университети. 2001.*
5. *Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. –Т: Фан. 1984.*
6. *أسرار البلاغة للجرجاني. نسخ و ترتيب و تنسيق مكتبة مشكاة الإسلامية.*
7. *حامد عونى. المنهاج الواضح للبلاغة. الطبعة الخامسة. 1373 ه – 1953 م.*
8. *على جارم، مصطفى أمين. البلاغة الواضحة. البيان. المعانى. البديع. القاهرة. 1999.*
9. *تلخيص المفتاح. Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи қўлёз. фонди, инв. № 514.*

МИРЗИЁТОВ Шухрат

“Муқаддаматул-л-адаб” Ёзгат нусхасининг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, аллома Абулқосим Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросини ўрганиш ишлари мустақиллик йилларида янги самарали паллага кўтарилди. Бу йиллари олимнинг илмий мероси кўламини аниқлаш, асарларининг янгидан-янги қўлёзма манбаларини аниқлаш, уларни юртимизга олиб келиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Энг сўнгги тадқиқотлар Маҳмуд Замахшарий илмий лабораториясига мансуб бўлган 71 асар мавжудлигини кўрсатмоқда [2:1-10]. Бу асарлар илм-фаннинг турли соҳаларига оид мукаммал, нодир манбалар ҳисобланади. “Устозу-л-араб ва-л ажам” Маҳмуд Замахшарий илмий меросида унинг “дунё хазинасига тенг асари” “Муқаддамату-л-адаб” алоҳида ўрин эгаллайди. Фанимизда ушбу асарнинг арабча-форсча, арабча-форсча-туркий, арабча-форсча-мўғулий сўзлик киритилган қўлёзмалари мавжуд. Ҳозирда дунё фондларида асарнинг етмишга яқин қўлёзма нусхалари мавжудлиги аниқланган [1:12-21]. Уларнинг сирасида, айниқса, Тошкент ва Туркия қўлёзмалари муҳим аҳамият касб этади. Тошкент қўлёзмаларининг таҳлили ва тавсифи фил.ф.д. З.Исломов томонидан амалга оширилган. Лекин Туркия қўлёзмалари тўлиқ тадқиқ этилган эмас. Эътиборли жиҳати шундаки, Туркия қўлёзмалари орасида туркий сўзлик киритилган, тарихи аниқ кўрсатилган, Хоразмда кўчирилган Ёзгат қўлёзмаси ҳам мавжуд. Биз 2006 йили мана шу нодир манбанинг нусхасини қўлга киритиш имкониятига эга бўлдик ва уни ўрганишни бошладик. Дастлабки тадқиқотларимиз Ёзгат нусхасининг бир қатор ўзига хосликлари борлигини кўрсатмоқда. Ёзгат нусхаси ҳозиргача аниқланган барча қўлёзмаларнинг энг қадимийси хисобланади. У дастлаб? Ёзгат шаҳридаги Маориф кутубхонасида 396 ҳужжат рақами остида рўйхатга олинган, кейинчалик Истамбулдаги машҳур Сулаймония кутубхонасига кўчирилган. Қўлёзма нуқсонли бўлиб, унинг дастлабки саҳифаларига Нуҳ ва Жин сураларидан парчалар кўчирилган. Асарнинг муқаддима қисми тушиб қолган ва матн “Кийим-кечакларга бағишланган боб”даги وشاح (*вишах*), قرين باغي – *қорин боғи* сўзи билан бошланади. Қўлёзманинг 60 - варағига қадар исмлар қисми киритилган. Қўлёзма сўзлигининг қадимийлигини кўрсатиш мақсадида Ёзгат нусхаси матнини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Давлат Адабиёт музейида 202-рақам остида сақланаётган Тошкентдаги исмлар қисми киритилган ягона нусха билан қиёслаб кўрамиз.

	Ёзгат нусхаси	**Тошкент нусхаси**
вишах	қорин боғи	кўкус боғи
қурмул	соч боғи	соч боғи
восита	ўрталиқ боғи	бел боғи
субҳа	тасбеҳ мунчуғи	тасбеҳ мунчоқи

иклил	бош боғи	бош боғи
хотам	юзук	узук
фатҳа	қошсиз юзук	қошсиз узук
халхал	оёқ боғи	оёқ билакузук
қурт	исирқа	исирға
халажа-л -қутна	памуқни сўнгулади	сўнгилади момуқни
малаха-л-қидра	кувачка туз кемишти	туз солди ғазанқа
ғамада-с-сайфа	қилични қининка суқди	қиниқа қилди қилични

Ёзгат нусхасининг ҳар бир саҳифасига етти қатордан араб тилидаги матн жойлаштирилган. Сатр остига ҳар бир арабий сўзнинг форс ҳамда туркий тилдаги шакллари киритилган. Араб тилидаги матн йирик насх хатида жойлаштирилган. Форсий ва туркий сўзлар ўзига хос майда насх хатида битилган. Араб тилидаги сўзларнинг аксариятига тўлиқ ҳаракатлар қўйилган. Туркий тилдаги сўзларнинг ўқилишини осонлаштириш мақсадида устига ёрдамчи ҳаракатлар қўйилган. Масалан, "*кўча*" мазмунидаги "*улуғ йўл*" الغ يول сўзидаги алиф устига дамма шунингдек, "*найза*" мазмунидаги "*сунгу*" سنكو сўзида дамма, تكتي – "*тикди*"сўзида касра, يدي – "*йабди*" сўзида фатҳа белгилари қўйилган.

Асарнинг иккинчи феъллар кисми хам тўлиқ берилган. Бунда араб тилидаги феъл бобларининг барчасига оид мисоллар келтирилган. Феъл бобларидаги ички ўзгаришларнинг батафсил берилиши Маҳмуд Замахшарийнинг феъл категорияларини жуда мукаммал билганлигини кўрсатади. Олим феъл бобларида барча кичик жузвий ўзгаришларга ҳам мисоллар келтиради. Ёзгат нусхасидаги феълий ибораларнинг туркий тилидаги шакллари мавжуд қўлёзмалардаги вариантлардан фарқ қилади. Жумладан, Тошкент нусхаларидаги туркий қатламда жумлалардаги гап бўлакларининг тартиби анъанавий ҳолга тескари берилган, лекин Ёзгат нусхасида эса бу тартиб ўзгартирилган. Масалан, Тошкент нусхаларида *ҳанааҳу-т-таъаму* ибораси *сингди анга ош* шаклида берилган, Ёзгат нусхасида эса у "*таъом сингди анга*" кўринишида келтирилган. Яна бир мисол, *нададаҳу би-л-ма* Тошкент нусхаларида *урди аны сув бирла, септи анга сувни* тарзида берилган, биз ўрганаётган нусхада эса *сув бирла урди ани* деб берилган. Юқоридагилар Ёзгат нусхасидаги сўзликнинг ўзига хослиги ва қадимийлигини кўрсатади.

Қўлёзма каттагина ҳажмдаги хотима билан якунланган. Унда жуда муҳим ва қўлёзма манбанинг қадимийлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд. Жумладан, унга кўра қўлёзма 655 ҳижрий йил, 3-жумадул – аввал шанба куни кўчирилган. Бу тарих 1257 йил 27 май кунига тўғри келади. Ушбу қўлёзма Хоразмда котиб Иброҳим бин Маҳмуд Сўфи ал-Муаззин томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг тўлиқ матни жами 347 варақдан иборат.

Ҳозирда бу нодир қўлёзманинг матнини кирилл алифбосида нашрга тайёрлаш жараёни кетмоқда. Дастлабки изланиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Ёзгат нусхаси асарнинг мавжуд қўлёзмалари ичида тарихи кўрсатилган энг қадимий манба ҳисобланади ва у тахминан олим вафотидан бир аср кейин кўчирилган.
- Қўлёзма Маҳмуд Замахшарийининг юрти Хоразмда маҳаллий котиб томонидан кўчирилган ва табиийки унда ўз даври тилининг хусусиятлари тўлиқ акс этган. Бу ҳол ҳам қўлёзманинг бошқа нусхалардан илмий жиҳатдан аҳамиятлилигини кўрсатади;
- Қўлёзма матнида XII – XIII асрлар китобатига, матнларига хос бўлган қадимий унсурлар қўлланилган, унинг бу жиҳатларини диққат билан илмий тадқиқ этиш тақозо этилади;
- "Муқаддамату-л- адаб" нусхаларидаги сўзликларнинг лексикаси шу вақтга қадар ўрганилган эмас, шу боис асарнинг энг қадимий қўлёзмаси лексикасини ўрганиш манбалари кам сақланиб қолганн XI – XII аср туркий ўзбек тилини мукаммалроқ ўрганишга хизмат қилади, деган фикрдамиз.

Умуман, "Муқаддамату-л-адаб"нинг ушбу нодир қўлёзмасининг юртимизга қайтиб келиши, маънавий меросимиз хазинасини бойитади. Уни мукаммал ўрганиш тилшунослик, луғатшунослик каби соҳаларимизни янги маълумотлар билан бойитади.

---

1. *Исломов З. Маҳмуд Замахшарий. "Муқаддамату-л-адаб" асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Тошкент. 1998. С.12-21.*
2. *Маҳмуд аз-Замахшарий. Асос ал-балаға. Таҳқиқ Муҳаммад БасилУюун ал-Суд.ж.,1.Лубнон, Дар ал-кутуб ал-илмия. 1998.С.1-10.*

НОСИРОВА Саодат

Хитой тили дипломатик ҳужжатларида қўлланилувчи протокол формулалар

Дипломатик ёзишмалар жуда кенг қамровли бўлиб, уларда мамлакатларнинг ўз мустақиллигини эълон қилиши ва бошқа давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатишга оид масалаларгина эмас, халқларнинг тақдирини ҳал этишга қаратилган тинчлик, бетарафлик, қуролсизланиш каби сиёсий масалалар, ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилишга оид турли масалалар ҳам ёритилади[2].

Дипломатик ҳужжатлар бўлмиш шахсий ноталар, вербал ноталар, курьер билан жўнатилувчи эсдаликномалар (ҳозирги кунда деярли қўлланилмайди), шунингдек А давлат ҳукуматининг (ҳукмдорининг) В давлат ҳукуматига (ҳукмдорига) юборадиган шахсий хатларида «протокол формулалар» кенг қўлланилади. Дипломатик ҳужжатларининг бошқа турларида уларнинг